

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА САИДА САБИРОВНА

**32 ҲАФТАДАН ОЛДИН МУДДАТИГА ЕТМАЙ ТУҒИЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2019

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Хасанова Саида Сабировна

32 ҳафтадан олдин муддатига етмай туғилган чақалоқларда

овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини ташхислаш

ва даволашни такомиллаштириш..... 3

Хасанова Саида Сабировна

Совершенствование диагностики и

лечения расстройств пищеварения

у недоношенных менее 32 недель 29

Khasanova Saida Sabirovna

Improving the diagnosis and treatment

of digestive disorders in premature

infants less than 32 weeks old 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВА САИДА САБИРОВНА

**32 ҲАФТАДАН ОЛДИН МУДДАТИГА ЕТМАЙ ТУҒИЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib296 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилова Алтиной Турсунбаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Чувакова Тамара Курмангалиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Соатов Талат Соатович
биология фанлари доктори, академик

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачларни малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда перинатал тиббиёт, неонатал реанимация усулларининг доимо такомиллаштирилишига қарамай, муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг яшаб қолишини ошириш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг деярли 45% ҳаётининг дастлабки 28 кунда бўлган янги туғилган чақалоқларга тўғри келмоқда»¹. Неонатология соҳасидаги етакчи мутахассисларни таъкидлашича «улар орасида энг заиф бўлган гуруҳларга, популяцияда туғилиш частотаси 4-5% ни ташкил қилувчи, муддатидан аввал туғилган болалар киради. Уларни адекват озиклантириш муваффақиятли парвариш қилишнинг муҳим шарти бўлиб, у боланинг нафақат ўсиши ва ривожланишини, балки, оксил синтези, аъзо ва тўқималардаги репаратив жараёнлар, моддалар алмашинуви жараёнининг керакли даражаси ва организм ички муҳитининг доимийлигини ушлаб туриш каби функцияларни ҳам таъминлайди»². Бу эса ўз навбатида муддатидан аввал туғилган чақалоқларни яшаб қолишини таъминлаш ва озиклантириш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида неонатал даврида юзага келадиган хасталиклар, жумладан муддатидан аввал чақалоқларнинг туғилиши, уларни яшаб қолишини таъминлаш ва озиклантириш муаммоларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқларда критик ҳолатлар ривожланишининг устувор омилларини аниқлаш, муддатидан аввал туғилган болаларда ошқозон-ичак тракти ҳаракатланиш фаоллигини регуляция қилишда прокинетикилар самарадорлигини баҳолаш, энтерал озиклантиришга қодир бўлмасликда узоқ вақт давомида парентерал озиклантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, неонатал даврда уларнинг натижаларини баҳолаш, овқат ҳазм қилиш ва ичак баръери ҳолатини яхшилаш учун кўрсатма ва препаратларни танлаш бўйича тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом болалар туғилиши ва соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...замонавий, халқаро миқёсда тан олинган диагностика ва даволаш методикалари, стандартлари ва клиник протоколларини жорий этиш йўли билан кам вазнли чақалоқларга тиббий ёрдам сифатини яхшилаш»³ вазифалари белгиланган.

¹Progress in Partnership: 2017 Progress Report on the Every Woman Every Child Global Strategy for Women's, Children's and Adolescents' Health WHO/FWC/NMC/17.3

²Адамкин Д.Х. Стратегии питания младенцев с очень низкой массой тела при рождении: Пер. с англ. / Под ред. Е.Н. Байбариной. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. – 176 с.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ташхислаш ва даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларини ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш билан ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш орқали неонатал ўлимнинг олдини олиш ва чақалоқлар ҳаёт сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2650-сон «Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, Department of Paediatrics of The Rotunda Hospital, (Ирландия); Wayne State University, Detroit, Michigan, (АҚШ); Disciplina de Pediatria Neonatal, Universidade Federal de São Paulo - Escola Paulista de Medicina (UNIFESP-EPM), São Paulo, SP (Бразилия); Department of Critical Care Medicine of the University of Calgary, (Канада); Service de Réanimation Pédiatrique, Univ Lille Nord de France, (Франция); Division of Neonatology of the Institute of Pediatrics, Catholic University of the Sacred Heart, Rome, (Италия), Division of Neonatology and Neonatal Intensive Care, Casilino General Hospital, Rome, (Италия); Fakultní Thoma yero vanemocnice s poliklinikou, (Чехия); Child Neuropsychiatric Unit, University of Parma, Parma, (Италия); Department of Pediatrics of the University of Alberta, Edmonton, Alberta, (Канада); Graduate Institute of Medicine, College of Medicine, Kaohsiung Medical University, Kaohsiung, (Тайван); Department of Obstetrics and Gynecology, Hutzel Hospital, Wayne State University, Detroit, (АҚШ); Болалар саломатлиги илмий маркази (Россия); Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт академияси (Россия) ва Республика

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси).

Жаҳонда муддатидан жуда эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: озиқлантиришни кўтара олмайдиган чақалоқларда фекал кальпротектин даражаси юқорилиги аниқланган (Child Neuropsychiatric Unit, University of Parma, Parma, (Италия); муддатидан аввал туғилган болаларда ошқозон-ичак йули фаоллигини бошқаришда прокинетикларнинг самарадорлиги исботланган Department of Obstetrics and Gynecology, Hutzel Hospital, Wayne State University, Detroit, (АҚШ); муддатидан аввал туғилган болаларда IGF1 концентрациясининг юқори бўлиши нейро ривожланиш билан боғлиқлиги исботланган (Division of Neonatology and Neonatal Intensive Care, Casilino General Hospital, Rome, Italy); зонулин миқдорининг ортиши организм яллиғланиш маркерлари ажралиши билан боғлиқ бўлмаслиги аниқланган (Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт академияси, Россия); критик ҳолатда бўлган муддатидан аввал туғилган чақалоқларни энтерал озиқлантириш гестация муддатининг камайишига параллел равишда ошиб бориши исботланган (Department of Paediatrics of the Rotunda Hospital, Ирландия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: муддатидан олдин туғилган болаларда антибактериал терапияни қўллаш муаммосини ҳал этиш; муддатидан жуда эрта туғилган болаларда овқат ҳазм қилиш фаолияти бузилишларини эрта аниқлаш; муддатидан аввал туғилган чақалоқларда озиқлантиришни кўтара олмаслик хавф омилларини аниқлаш; НЭЖ келиб чиқиши патогенезини аниқлаш; НЭЖ ни даволаш ва реабилитациясини оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий технологияларнинг ривожланиши ва перинатал, интранатал тиббиётнинг, неонатал реанимация усулларининг такомиллаштирилиши муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг яшаб қолишини оширишга ёрдам берди. Акушерлик, неонатология ва реаниматология соҳаларида эришилган замонавий ютуқлар оғир бетоб, ҳомиладорликнинг патологик кечиши ва вақтидан аввал туғиш бўлган оналардан туғилган болаларнинг яшаб қолишини таъминлашга имкон беради (Алексеевко Н.Ю., 2017). Бундай гўдакларни парваришлаш, уларда эрта неонатал даврда, етилмаганлик ва чала туғилганлик омили билан қақирилган мослашув даврида бузилишнинг ривожланиши боис, диққат билан мониторинг олиб бориш ва юқори технологияларни қўллашни талаб этади (Нароган М.В. ва ҳамуал., 2012). Озиқлантиришни кўтара олмаслик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ўсиш суръатининг пасайишига олиб келувчи энг аҳамиятли омиллардан бири

бўлиб ҳисобланади. Бундай болаларда энтерал озиқлантиришга кодир бўлмаслик узоқ вақт давомида парентерал озиқлантиришга олиб келади, бу кўпинча марказий вена томири орқали киришни талаб этиб, инфекция хавфини оширади (Brigit, 2017). Озиқлантиришни кўтара олмаслик патофизиологияси шуни кўрсатадики, янги туғилган чақалоқларга нисбатан, тана вазни жуда кичик (ТВЖК) бўлган муддатидан аввал туғилган чақалоқлар ичаги қисқа ва овқатни ҳазм қилиш, абсорбцияси ва ҳаракатланиши учун кам имкониятларга эга. Ичак транзитининг кечикиши кўпинча қориннинг дам бўлиши, яллиғланиш каскадининг бошланиши ва ичак шишига сабаб бўлади. Бу омиллар нафақат озиқланишни кўтара олмаслик, балки некрозланувчи энтероколит (НЭК) каби ҳаёт учун хавфли бўлган касалликка ҳам олиб келади. Чақалоқларни рационал овқатлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тадқиқотлар етарлича эмас. Хусусан, ошқозон-ичак тракти функциясининг ўзига хослиги ва ичакнинг қон билан таъминлашига боғлиқ ҳолда энтерал озиқлантириш вақтини тавсия этиш ва ҳажмини ошириш тезлиги бўйича масалалар, мойиллик ҳолати, НЭК сабаблари ва эрта прогнозлаш, овқат ҳазм бўлишининг бўшлиқ ва девор олди бузилишларини коррекция қилиш учун препаратларга кўрсатма ва уни танлаш эрта туғилган чақалоқларда турли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг мослашув жараёнлари, овқат ҳазм бўлишининг бузилишларини аниқлашнинг клиник, функционал ва биокимёвий усуллари, овқат ҳазм қилиш-транспорт фазалари бузилишининг аҳамияти ва чуқурлиги етарлича ўрганилмаган. Муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ичак ўтказувчанлиги функциясини яхшилашга қаратилган овқат ҳазм қилишнинг дезадаптацион жараёнларини ташхислаш, коррекция қилишнинг дифференциацияланган усуллари кўллашнинг самарадорлигини баҳолашни тизимлаштириш усуллари ахтариш муҳим. Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, келажақда перинатал йўқотишларни камайтиришга имкон берувчи, овқат ҳазм қилиш тизими мослашувининг бузилишларини аниқлаш, ҳаётининг дастлабки кунларида даволашнинг дифференцирланган усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш перинатологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади ва муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.1.5 “Чақалоқларда полиорган етишмовчилиги синдромининг клиник ташхислаш, патогенетик даволаш усуллари ва башоратини ишлаб чиқиш” (2015-2017йй) амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 32 ҳафтадан олдин муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишларини хусусиятларини, механизмларини ўрганиш ва коррекцияловчи давонинг асосланган усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларининг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда ошқозон ва ингичка ичак морфо-функционал ҳолатларини аниқлаш;

муддатидан аввал туғилган чақалоқларда фекал зонулиннинг клиник аҳамиятини баҳолаш;

муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти мослашув жараёни ва постнатал ўсишида инсулинсимон ўсиш омили-1 ролини аниқлаш;

32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда яллиғланиш маркерлари ҳамда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишлари фаоллиги ва оғирлигининг клиник-лаборатор кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилиши ривожланишининг етакчи механизмларини аниқлаш;

муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини коррегирлашнинг дифференцирланган усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика перинатал марказида назоратда бўлган 216 нафар 22-32 ҳафталик гестацион муддат билан туғилган ва 27 нафар муддатига етиб туғилган чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида чақалоқлар вена қони ва зардоби, киндик қони ва фекалий умумклиник ва биокимёвий таҳлиллар учун, ошқозон ва ингичка ичак шиллиқ қавати морфологик таҳлиллар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг гестацион ёши ва озиклантириш турига боғлиқ ҳолда ичак бўшлиғида овқат ҳазм бўлишида панкреатик эластаза ферменти миқдори камайиши ҳамда деворолди ҳазм қилиш турида лактаза ферменти фаоллигининг пасайиши таъсирида ошқозон-ичак тракти функционал ҳолатининг бузилишлари аниқланган;

илк бор муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак трактининг тўлиқ етилмаганлиги ва ривожланмаганлиги натижасида ошқозон шиллиқ қаватининг юпқалиги, ингичка ичак крипта ҳамда

сўрғичларида энтероцитлар ва қадахсимон ҳужайралар миқдорининг камлиги исботланган;

илк бор муддатига етмай туғилган чақалоқларда ичак ўтказувчанлигининг асосий кўрсаткичи бўлган фекал зонулин миқдори 7 кунликда кескин ортиб, 14 кунликда эса нисбатан камайиши орқали ичак барьерининг суслиги исботланган;

муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ичак яллиғланиш маркерлари ҳамда тизимли яллиғланиш медиаторлари миқдорининг ортиши, ичакда сўрилиш ҳамда ҳазм бўлиш жараёнларига таъсир кўрсатиб, тана вазни кўрсаткичлари динамикасига салбий таъсир этиб ўзаро номутаносиб боғлиқлиги аниқланган;

илк бор муддатидан аввал туғилган чақалоқларда фекал кальпротектин ва зонулин миқдорининг ортиши болалар ҳаётининг биринчи хафтасида некротланувчи энтероколит ривожланишига сабаб бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

28 ҳафтагача бўлган муддатда туғилган чақалоқларда НЭЖ ривожланишини прогнозлашда улар ҳаётининг 5-7 кунда нажасда кальпротектин миқдори ортиши асосланган;

муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ичак шиллик қавати ўтказувчанлиги ортишини кўрсатувчи фекал зонулин миқдори ошиши тенденциясини мониторинг қилиш асосланган;

муддатидан анча аввал туғилган чақалоқлар гестацион ёши, овқатлантириш тури, клиник симптомлар кўринишларини олдини олиш ва келиб чиқадиган бузилишларни коррегирлаш учун назорат қилишнинг модификацияланган схемаси ишлаб чиқилган;

32 ҳафтадан кичик муддатда туғилган чақалоқларни комплекс даво таркибига метабиотик хилак фортени тана вазнига 5 томчи дозада, 28 ҳафтадан кичик муддатда туғилган чақалоқларга эса кунига 8 марта тана вазнига 500 Бирлик дозада креон препаратини киритиш туфайли чақалоқларни парваришлаш такомиллаштирилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 32 ҳафтадан олдин муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимидаги бузилишлар механизмларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, муддатига етмай туғилган чақалоқларда фекал зонулин қийматининг динамикаси, ичакнинг яллиғланиш маркерлари,

тизимли яллиғланиш медиаторлари ва улар орасида ижобий ўзаро боғлиқлик, ошқозон-ичак тракти мотор функциясининг бузилишида бўшлиқ ва мембранада овқат ҳазм қилиш фаоллиги ва ингичка ичак шиллик қавати ўтказувчанлигининг ошишини аниқланиши ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда гестацион ёши, овқатлантириш турига караб овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларни олдини олиш ва коррекция қилиш учун модификацияланган назорат схемаси ишлаб чиқилганлиги, ичак бўшлиғида овқат ҳазм қилишни яхшилаш ва ичак ўтказувчанлигини пасайтиришга имкон берувчи клиник самарадор метабиотик хилак форте ҳамда ошқозонности беши микросферик ферментларини қўллашга асосланган даволаш дастури ишлаб чиқилганлиги неонатал ва гўдаклар ўлими, ҳамда болаларда касалланиш ва ногиронликни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 32 ҳафтадан олдин муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эрта гестацион ёшли муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларининг хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 04 октябрдаги 8н-д/202-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини эрта ташхислаш, аниқланган ҳолатларни ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга имкон яратган;

«Муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда НЭЖ ривожланишининг башоратлаш мезонлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 04 октябрдаги 8н-д/202-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда некротик энтероколит ривожланишини башоратлаш, ингичка ичак шиллик қавати атрофияси олдини олиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга имкон яратган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини ташхислаш ва даволашни янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Хоразм, Фарғона, Жиззах ва Тошкент вилоятлари перинатал марказлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 06 ноябрдаги 8н-3/180-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларини камайтириш, некротик энтероколит ривожланишини башоратлаш ва чақалоқларда ўлим кўрсаткичини пасайтиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети характерланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар бўйича маълумотлар, диссертация структураси ёритилган.

Диссертациянинг **«Муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларининг патогенези ҳақида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг тахлилий шарҳи келтирилган бўлиб, у ерда муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда адаптив механизмларнинг бузилиши ва бўшлиқ ва мембранали овқат ҳазм қилишнинг ўзгаришлари ҳақида замонавий қарашлар тахлил қилинган. Ушбу бобда адабиётларда келтирилган маълумотлар жамланган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Муддатидан анча аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимида бузилишларни аниқлашга услубий ёндошув»** деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқотда қўлланиладиган материаллар ва усуллар характерланади, РПМ нинг муддатидан аввал туғилган чақалоқларни парваришлаш, жонлантириш бўлимида парваришланган, акушерлик бўлимларида туғилган 243 нафар чақалоқларнинг умумий характеристикаси очиб берилган. Уларнинг 216 нафари гестациянинг 22 ҳафтасидан 32 ҳафтасигача бўлган муддатларда туғилган болалар, ва 27 нафар муддатида туғилган чақалоқлар назорат гуруҳини ташкил қилган.

Тадқиқотни олиб боришда 77 нафар муддатидан аввал туғилган чақалоқлардан иборат бўлган гуруҳ танлаб олинди, уларга модификацияланган олиб бориш қўлланилди.

Гестацион ёшга кўра муддатидан аввал туғилган чақалоқлар 2 гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳда 64 нафар муддатидан аввал туғилган

чақалоқлар орасида ўрта гестацион ёш $25,9 \pm 0,4$ ҳафтани (22,4-28), иккинчи гуруҳда 152 нафар муддатидан аввал туғилган чақалоқлар орасида ўрта гестацион ёш $29,9 \pm 0,1$ ҳафтани (28,2-32) ташкил қилди.

Юракнинг туғма нуқсонлари, ирсий, хромосома касалликлари ва ҳаётининг биринчи ҳафтасида нобуд бўлган чақалоқлар истисно мезонлари бўлиб ҳисобланди. Киритиш ва истисно қилишнинг ушбу мезонлари муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг бир турдаги гуруҳини яратишга имкон беради. Тадқиқот усуллари умумклиник (онани клиник-лаборатор ва инструментал текшириш усуллари: УҚТ, коагулограмма, ҳомила доплерографияси, болани текшириш: интоксикациянинг лейкоцитар индексини (ИЛИ) ҳисоблаш билан умумий қон тахлили, билирубин, нажаснинг умумий тахлили, қонда глюкоза миқдорини аниқлаш, С-реактив протеинни аниқлаш, коагулограмма, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг рентгенографияси, НСГ, ЭхоКГ) ва махсус текширувларни ўз ичига олди.

Ошқозон ва ингичка ичакнинг гистоморфологик текшируви Тошкент тиббиёт академиясининг анатомия ва клиник анатомияси кафедрасида тиббиёт фанлари доктори, профессор Сағатов Т.А. билан биргаликда олиб борилди. Аутопсия 12 нафар муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ва ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган 5 нафар муддатида туғилган чақалоқларда ўтказилди. Ошқозон ва ингичка ичакнинг 3 қисмидан (ўн икки бармоқли ичак, оч ичак ва ён бош қисмлари) олинган тўқиманинг бир бўлакчаси формалиннинг 10% ли нейтрал эритмаси, Карнуа суёқлигида фиксация қилинди. Тегишли проводкадан сўнг материал парафинга солинди. Депарафинизациядан сўнг 4-6 мкм қалинликда олинган кесмалар қатъий ориентацияга риоя қилган ҳолда гематоксилин-эозин билан бўялди. Окуляр-микрометр МБР-1-15× ёрдамида морфометрия ўтказилди.

Нажасдаги зонулин миқдори энзим-боғланган иммуносорбентни таҳлил қилиш (ELISA) усули билан Immunodiagnostik (Германия) фирмасининг реактивларидан фойдаланиб аниқланди.

Нажасда фекал эластазанинг (ФЭ) 200 мг/г дан ортиқ концентрацияси ошқозон ости беши функциясининг меъёрида эканини билдиради, нажасда 100-200 мг/г даражаси эса ошқозон ости беши функциясининг ўрта даражадаги етишмаслигини кўрсатади ва ошқозон ости безининг оғир экзокрин етишмаслиги 100мг/г дан паст даражаси билан тасдиқланди.

Киндик қонида ИФР-1ни аниқлаш (ИФР-1 нинг турли икки эпителиоцелларга йўналтирилган, бинобарин, бир-бири билан рақобатлашмайдиган, сичқонларнинг моноклонал антитаналаридан фойдаланишга асосланган «сендвич-усули» радиометрик тахлили)

PhiCal® фирмасининг иммунофермент таҳлил қилиш усули билан фекал кальпротектинни аниқлаш: «сендвич»-ИФА усули ни қўллашга асосланган иммунодиагностик АГ-кальпротектинни аниқлайдиган танланган икки моноклонал антитаналарни ердамида.

Иммунофермент тахлили (ELISA) (ScheBo-Tech, Wettenberg, Германия) ёрдамида панкреатик эластазани аниқлаш, бунда инсон ошқозон ости безининг специфик эпителияларига қарши моноклонал антитаналардан фойдаланилади.

Натижаларга статистик ишлов бериш Microsoft Excel, Version 7.0 математик-статистик тахлил дастурларидан фойдаланиш билан олиб борилди. Статистик усуллар намунанинг ўртача қиймати (M), стандарт ўртача хато (m), корреляция коэффициентини (r) аниқлашни ўз ичига олди. Статистик мажмуалар тафовутининг ишончилиги турли дисперсиялар учун Стьюдент (t) мезони бўйича параметрик усуллар билан баҳоланди.

Диссертациянинг «**32 ҳафтадан кичик муддатдан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм бўлиши бузилишларининг клиник-лаборатор хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда янги туғилган чақалоқларнинг ўрганилаётган гуруҳидаги оналарнинг акушер-гинекологик ва соматик статуси ўрганилди. Таққослаш тахлили, гестацион ёшга мувофиқ ажратилган 2 гуруҳларда олиб борилди. Биринчи гуруҳда ўрта гестацион ёш $25,9 \pm 0,4$ ҳафтани (22,4-28), иккинчи гуруҳда ўрта гестацион ёш $29,9 \pm 0,1$ ҳафтани (28,2-32) ташкил қилди. 1 гуруҳ болаларини туққан оналарнинг ўрта ёши $28,3 \pm 0,78$ ёшни, ишончли тафовутларсиз, 2 гуруҳники - $27,0 \pm 0,75$ ёшни ташкил қилди ($p > 0,05$).

Туғилгандаги вазни 1 гуруҳда ишончли тарзда паст бўлди ва ўртача $974 \pm 60,3$ гр., иккинчи гуруҳда эса $1452 \pm 58,5$ гр. ни ташкил қилди ($P < 0,05$).

Корреляцион боғлиқлик гестацион муддат ва вазн кўрсаткичлари ($r = 0.689$; $p < 0,05$) ва боланинг бўй узунлиги ($r = 0.705$; $p < 0,05$), ҳамда туғруқлар паритети орасида кузатилди ($r = 0.435$; $p < 0,02$).

5 кунда вазни йўқотиш фоизи 2 гуруҳга нисбатан 1 гуруҳда юқори бўлди, бироқ кўрсаткичлар ишонарли тарзда бир-биридан фарқ қилмади.

Барча болалар, туғруқ залида сутнинг бир неча томчисини соғишдан бошлаб ва кейинчалик протоколга мувофиқ ҳар 3 соатда болос озиқлантириш билан, ҳаётининг дастлабки 3 соатларидан бошлаб озиқлантирилди. Озиқлантириш ҳажмини ошириб бориш протоколга мувофиқ олиб борилди, кўтара олишини кузатган ҳолда дастлабки 2-3 кунда ҳажмининг кундалик ошириб борилиши кунига 10-15 мл/кг/ ни ташкил қилди. Озиқлантириш ҳажмини ошириб бориш тезлиги биринчи гуруҳда 24,7 мл на кг/сут ни ва иккинчи гуруҳда 27,4 мл/кг/сут ни ташкил қилди. Туғруқдан сўнг биринчи меконийнинг келиш вақти ўртача 10-11 соатларни ташкил қилди. Нозология бўйича кўпчилик ҳолатларда иккала гуруҳда нафас бузилишлари синдроми (НБС) асосий ташхис бўлиб ҳисобланди, иккинчи ўринда эса туғма пневмония ёки сепсис билан намоён бўлувчи инфекция кузатилди. МАТ нинг перинатал шикастланиши йўлдош ташхис бўлиб ҳисобланди ва асфиксия билан туғилган болалар кам фоизни ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Текширувдаги болаларнинг клиник ташхислари

Асосий ташхис	Биринчи гуруҳ (n=64)	Иккинчи гуруҳ (n=152)
Нафас бузилишлари синдроми (НБС)	48 (75%)	124 (81,5%)
Инфекция (туғма пневмония ва/ёки сепсис)	20 (31,2%)	20 (13,1%)
Йўлдош патология	Биринчи гуруҳ(n =64)	Иккинчи гуруҳ(n=152)
МАТ нинг перинатал шикастланиши	40 (58,8%)	48 (31,5%)
Асфиксия	4 (6,25%)	12(7,8%)

Муддатидан аввал туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг функционал бузилиши кўпинча ошқозон ва дуоденал регургитация билан намоён бўлди, бунда биринчи гуруҳда кўпинча ошқозон регургитацияси, ва дисхезия учраган (2-жадвал).

2-жадвал

Текширувдаги янги туғилган чақалоқларда гастроинтестинал бузилишлар

Бузилишлар тури	Биринчи гуруҳ (n =64)	Иккинчи гуруҳ (n =152)
Ошқозон регургитацияси	16 (25,0%)	24(15,7%)
Дуоденал регургитация	20(31,2%)	40 (26,3%)
Ичак дисхезияси	16 (25,0%)	8(5,2%) *

Изох: * P<0,05

Зонддан ажралма келиши тахминан бир хил частотада кузатилди ва биринчи гуруҳда 31,3% ва иккинчи гуруҳда 40% ни ташкил қилди. Биринчи гуруҳда кўпинча творогсимон сутли (3,5% га қарши 6%) ажралма келиши, иккинчи гуруҳда эса кўпинча «яшил» рангли ажралма келиши кузатилди. Зонддан «кофе қуйқаси» туридаги ажралманинг келиши биринчи гуруҳнинг 12,5% да ва иккинчи гуруҳнинг 14% да қайд этилди. Барча болалар респиратор қўллаб-қувватланишда бўлдилар, бунда 74,0%(n=160) СРАРда бўлдилар, бошқаларга эса, кейинчалик ўпканинг сунъий вентилицияси (ЎСВ) га ўтказиш билан, интубация талаб этилди.

Диссертациянинг «Аутопсия маълумотларига кўра муддатидан анча аввал туғилган болаларда ошқозон ва ингичка ичак ҳолатининг морфо-функционал хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида 32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ошқозон ва ингичка ичакнинг морфологик ҳолатини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот учун материаллар муддатидан аввал туғилиб ўлган ва ошқозон-ичак трактининг касалликлари бўлмаган болалардан олинган.

Текширилаётган гуруҳларда ошқозон деворининг қалинлиги

Қисмлари	Қавати	Муддатида туғилган болалар (назорат)	Муддатидан аввал туғилган болалар
Кардиал	Сероз-мушакли	327,5±18,70	314,11±3,53
Фундал		335,0±19,81	316,72±15,81
Пилорик		351,7±18,53	338,0±25,93
Кардиал	Шиллиқости	55,5±2,90	49,4±2,17
Фундал		75±5,90	56,0±3,32*
Пилорик		80,5±3,73	60,2±2,79*
Кардиал	Шиллиқ	797,5±35,62	668,1±25,92*
Фундал		820,0±47,47	706,3±23,10*
Пилорик		830±60,92	710,2±25,01*

Изоҳ: P, ≤ 0,05*: - назорат гуруҳига нисбатан ишончли

3-жадвалдан кўриниб турибдики, кардиал, фундал ва пилорик қисмлари сероз-мушак қаватларининг қалинлиги муддатида туғилган ва муддатидан аввал туғилган болалар орасида ишончли тафовутга эга бўлмадилар. Барча қисмларининг шиллиқ қавати, шунингдек фундал ва пилорик қисмларининг шиллиқости қаватининг қалинлиги муддатидан аввал туғилган болаларда ишонарли кам бўлган. Бунда шиллиқости қавати кардиал қисмининг қалинлиги 55,5±2,90 мкм, фундал қисми 60,2±3,19 мкм ва пилорик қисми-80,5±3,73 мкмни ташкил қилади.

32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган чақалоқларда гистологик препаратларни текшириш чуқур патоморфологик ўзгаришлар, шунингдек барча қаватларининг структуравий ўзгаришларини аниқлади. Шиллиқ қаватининг юпқалашганлиги кузатилди, ғовак бириктирувчи тўқиманинг юпқа қатламлари ва микроциркуляция оқимининг капиллярлари билан бўлинган, фундал безларнинг цилиндрик найлари бир-бирига зич ёпишиб туради. Безлар бир мунча қалинлашган ва калталашган. Лимфатик томирлар кескин кенгайган бўлиб, ўзида оксил-липидли массаларни сақлаган, микроциркуляция оқими қон билан тўлган.

Шиллиқ ости қаватида, бириктирувчи тўқима элементларининг дағаллашиши ва ғоваклашиши кузатилди. Қон томирлари қон билан тўлган, айниқса веноз бўлимда кенгайган. Ошқозоннинг барча текширилаётган қисмларидаги шиллиқ қават шишган ва, асосан лимфоид қатордаги, моноклеар элементлар билан диффуз инфильтрацияланган.

Сероз қаватнинг қалинлиги ингичка ичакнинг барча қисмларида ўртача 9,5±0,12 мкмни ташкил қилади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, назорат гуруҳининг маълумотлари билан ишончли тафовутларга эга бўлмасдан, ўн икки бармоқли ичакда сероз-мушак қаватнинг қалинлиги 122,5±6,12 мкм, оч ичакда- 115,0±6,25 мкм, ёнбош ичакда -110,0±4,10 мкмни ташкил қилади (4-жадвал).

**Муддатида туғилган ва муддатидан аввал туғилган болаларнинг
ингичка ичаги деворининг шиллиқ қавати қатламлари
қалинлигининг ўзгариши**

Текширилаётган гуруҳлар	Ингичка ичакнинг қисмлари	Текширилаётган структураси (қалинлиги мкм да)		
		Сероз-мушаклик авати	Шиллиқост и қавати	Шиллиқ қавати
Муддатида туғилган Назорат (n=5)	Ўн икки бармоқли ичак	122,0±6,12	61,16±3,05	665±32,02
	Оч ичак	115,0±6,25	60,2±2,25	547,5±26,25
Муддатидан аввал туғилган (n=12)	Ўн икки бармоқли ичак	100±4,25	40±2,12	516±23,21*
	Оч ичак	98±3,25	40±2,01	506±24,23

Изоҳ: P < 0,05*: - назорат гуруҳига нисбатан ишончли

Шиллиқ қаватнинг катта ўлчамдаги қалинлиги, ўн икки бармоқли ичак сўрғичларининг баландлиги ва ҳам ўн икки бармоқли ичакда ва ҳам оч ичакда крипталарнинг катта чуқурлиги ишончли аниқланди (p < 0,05).

Сўрғичлардаги энтероцитлар ва қадахсимон хужайралар миқдори, крипталардаги энтероцитлар ва қадахсимон хужайралар миқдори солиштирилди. Муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ҳам ўн икки бармоқли ичак (89,1±4,8 га қарши 48,8±2,1), ва ҳам оч ичакнинг (112,8±6,7 га қарши 88,5±5,1) сўрғичларида энтероцитлар миқдорининг кам эканлиги ишонарли аниқланди (p < 0,05). Шунингдек муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг ўн икки бармоқли ичак ва оч ичакнинг сўрғичлари ва крипталарида қадахсимон хужайралар миқдори 1,5 баравар кам бўлган (p < 0,05). Шиллиқ ости асоси ғовак бириктирувчи тўқима ва томир чигаллари билан ҳосил бўлган. Ўн икки бармоқли ичак шиллиқости қаватининг қалинлиги ўртача 61,1±3,45 мкм, оч ичакда - 60,2±3,19 мкм, ёнбош ичакда эса - 59,2±3,12 га тенг.

Чизиқли параметрларни таққослаш билан ўрганишда шу нарса аниқландики, ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг қалинлиги ичактутқич соҳасида 629,50±34,55 мкм ни, ичактутқичга қарши соҳада - 678,0±32,25 мкм, ён соҳаларида 688,0±36,46 мкм, ўртача қилиб айтганда эса - 665,06±30,0 мкм ни ташкил қилади. Оч ичакда ичактутқич соҳасидаги шиллиқ қаватнинг қалинлиги 629,5±31,0 мкм, ичактутқичга қарши соҳада эса 668,5±36,07 мкм, ён соҳаларида - 687,0±36,40 мкм, ўртача қилиб айтганда эса 659,0±31,7 мкм ни ташкил қилади. Ёнбош ичакда шиллиқ қаватнинг қалинлиги ўзгача; ичактутқич соҳасида 602,5±31,30 мкм, ичактутқичга қарши соҳада - 530,0±27,56 мкм, ён соҳада - 459,5±23,46 мкм, ўртача эса 532,0±27,26 мкм ни ташкил қилади.

Стромада инфилтрация билан бир қаторда томирларнинг қонга тўлаллиги, шиш, юпқа коллаген толаларининг пайдо бўлиши, лимфоид фолликулаларнинг гиперплазияси кузатилади. Кўпинча апикал қисмида сўрғичларнинг очик қолганлиги, ҳамда яқин атрофдаги сўрғичларнинг

энтероцитлари орасида, юза жойлашган эрозияларнинг битиши натижасида юзага келадиган, чандиқлар, “аркадалар” аниқланади. Қадаҳсимон хужайраларнинг сони бирмунча камайган, секретари сууқ, кам миқдорда муцин сақлаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 32 ҳафтагача муддатда туғилиб ўлган болаларда барча қаватларда, сўрғичлар ва крипталарнинг сезиларли камайиши билан, шиллиқ қават эпителийсининг дистрофик некробиотик ўзгаришлари кузатилади.


Шундай қилиб, гистоморфологик текширувларнинг маълумотлари муддатидан аввал туғилган ва муддатида туғилган чақалоқлар орасида ошқозоннинг барча қисмларида сероз-мушакли қаватнинг қалинлигида тафовутни аниқламади, шундай бўлсада муддатидан аввал туғилган чақалоқларда бу ўлчамлар камроқ бўлди, ошқозон шиллиқ ости қаватининг қалинлиги фундал ва пилорик қисмларда муддатидан аввал туғилган болаларда 1,3 баравар юқароқ бўлди. Шиллиқ қават морфометрияси назорат гуруҳи билан таққосланганда муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ошқозоннинг барча қисмларида унинг қалинлиги ишонарли тарзда камлигини аниқлади. Ингичка ичак шиллиқ қавати морфометрияси ўн икки бармоқли ичакда унинг қалинлиги 1,2 бараварга камлигини аниқлади, оч ичакда ушбу тафовут ишонарли бўлмади.

Диссертациянинг «**32 ҳафтадан кичик муддатидан аввал туғилган болаларда бўшлиқ ва мембранада овқатнинг ҳазм бўлиши ва ичак баръери ҳолатини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида нажасда углеводларни аниқлаш маълумотлари келтирилган ва энтерал овқатлантиришнинг ҳажми 70 ва ундан ортиқ фоизга эришилганда, ФЭ фаоллигини аниқлаш ҳаётининг 13-14 куни ўтказилди. ФЭ фаоллигини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳдаги болаларда ҳаётининг 14 кунига келиб енгил даражадаги панкреатик етишмовчилик аниқланган, ФЭ нинг ўртача кўрсаткичи бу гуруҳда $166,6 \pm 64,6$ мг/гни ташкил қилган ва улар муддатида туғилган болаларнинг қиймати билан таққосланганда ишонарли даражада паст бўлган, яъни $326,0 \pm 26,0$ мг/гни ташкил қилган ($p < 0,05$), 28 ҳафтадан 32 ҳафтагача бўлган муддатда туғилган болалар гуруҳида ҳаётининг иккинчи ҳафтасининг охирига келиб ФЭ анча юқори бўлган ва $278,61 \pm 10,3$ мг/г ни ташкил қилган ($p < 0,05$), ва улар муддатида туғилган болаларнинг кўрсаткичларидан паст бўлсада, бироқ тафовут ишонарли аҳамиятга эга бўлган ($t=1,72$) (расм 1).

Биз болани эмизиш ва энтерал озиқлантириш миқдорининг ўсиб бориш динамикасига боғлиқ ҳолда текширувдаги болаларда панкреатик етишмовчиликнинг енгил ва оғир формаларини учрашини таҳлил қилдик.

Панкреатик етишмовчилик ва гестацион ёшнинг муддати орасида яққол ўзаро боғлиқлик аниқланди. Шундай қилиб, 1 гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларда 14 кунига келиб 93,7% ҳолатда ўрта даражадаги панкреатик етишмовчилик аниқланган, 28 ҳафтадан 32 ҳафтагача бўлган болалар гуруҳида атиги 6 ҳолатда (7,9%) кузатилган, бошқа ҳолатларда эса

кўрсаткичлар меъёрий қийматларга мос келган.



1-расм. Муддатидан аввал туғилган болаларда ҳаётининг 14 кунда фекал эластазанинг кўрсаткичлари, тафовутлар ишончилигининг қийматлари назорат гуруҳи билан таққослашда кўрсатилган

Соғлом, муддатида туғилган болалар гуруҳида енгил даражадаги панкреатик етишмовчилик фақат 1 ҳолатда аниқланган. Nani Dharmasetiawani (2016) тадқиқотларида кунлик ёшига кўра эластаза кўрсаткичларининг ошиб бориши аниқланган, ва ҳаётининг 14-кунда муддатидан аввал туғилган болалар (муаллифлар ГВ га аниқлик киритишмаган) фекалиясида эластазанинг $303,2 \pm 41,0$ мг/кг кўрсаткичига, муддатида туғилган болалар эса - $312,8 \pm 48,0$ мг/кг эга бўлганлар ($p > 0,05$). Тахминан худди шундай маълумотлар Luigi Corvaglia томонидан ҳам олинган (2008).

Овқатлантиришнинг турига боғлиқ ҳолда фекал эластаза қийматларини аниқлаш учун биз муддатидан аввал туғилган болаларни панкреатик етишмовчилик даражаси ва озиклантириш характериға кўра 3 гуруҳга ажратдик (5-жадвал).

5-жадвал

Озиклантириш характериға кўра фекал эластаза даражасининг боғлиқлиги

N=54	ФЭ нинг ўртача қиймати
Кўкрак сути (n=10)	327, 1±24,7*
Аралаш овқатлантириш (n=13)	231,0±16,3*
Сунъий овқатлантириш (n=33)	123,4±31,0
Назорат гуруҳи фақат кўкрак сути билан эмизиб боқиш	326,2±15,2

Изоҳ : *-СО да бўлган болалар билан тафовутлар ишончилиги

Озиклантириш характери ва ошқозон ости беши экскретор функциясининг фаоллиги орасида яққол ўзаро боғлиқлик кўриниб турибди. Фақат кўкрак сути билан эмизиб боқиладиган болаларда энг мақбул ҳолат кузатилади, уларда, муддатида туғилган чақалоқларнинг кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмайдиган, фекал эластазанинг энг юқори қийматлари ($327,1 \pm 24,7$) қайд этилган. Аралаш овқатлантиришда бўлган болаларда фекал эластазанинг қийматлари бирмунча паст бўлган, шу билан бирга тафовутлар статистик жиҳатдан ишонарли эди. Сунъий

овқатлантиришда бўлган янги туғилган чақалоқлар болаларнинг кўпчилигини ташкил қилди, уларда фекал эластаза қиймати, кўкрак сутида ва аралаш овқатлантиришда бўлган болаларникидан ишонарли паст бўлган. F. Camprootto ва ҳаммуал. (2002) олиб борган тадқиқотларида муддатидан аввал туғилган болаларда ҳаётининг дастлабки биринчи ҳафтаси давомида истеъмол қилинаётган калория ва эластаза даражаси орасида ижобий корреляцияни аниқладилар. D.G. Burgin ва ҳаммуал. (2000) ошқозон-ичак тракти функциясининг етилишини тезлаштириш стратегияси сифатида “минимал энтерал озиклантириш” стратегиясини қўллаб-қувватлашни таклиф қилдилар.

Корреляцион таҳлил асосида, 22-27 ҳафталик гестацион ёшдаги муддатидан аввал туғилган чақалоқлар гуруҳида, эластаза даражаси ва озиклантиришни ошириб бориш тезлиги ва туғилгандаги тана вазни орасида кучсиз ижобий корреляция ва С-реактив оксил орасида кучсиз манфий корреляция аниқланди. Кичик гестацион ёшдаги эрта туғилган чақалоқларнинг биринчи гуруҳида фекал эластаза фаоллигининг озиклантиришнинг ошириб бориш тезлигига боғлиқлиги диққатни жалб қилади ($r=0,29$). 28-32 ҳафталик гестацион ёшдаги болалар гуруҳида аҳамиятли корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланмаган.

Лактаза етишмовчилиги 32 ҳафтагача бўлган 46,3% эрта туғилган болаларда қайд этилган, касалликнинг клиник белгилари носпецифик бўлиб, нажаснинг суюқлиги билан характерланган.

Шундай қилиб, ФЭ нинг даражаси бўйича биз томондан баҳоланган, бўшлиқдаги овқат ҳазм бўлишининг бузилиши, кичик гестацион ёшга эга бўлган барча муддатидан аввал туғилган болаларга хос бўлди, уларнинг қиймати назорат гуруҳига нисбатан тахминан 2 баравар паст бўлди.

Ушбу бобда ичак баръери ҳолатини ўрганиш учун 108 нафар (44 нафар ўғил бола ва 64 нафар қиз болалар; 40,7%:59,3%) муддатидан аввал туғилган ва назорат гуруҳини ташкил қилган 27 нафар муддатида туғилган болалар орасида фекал зонулин даражасини баҳолаш олиб борилди. Фекал зонулинни текшириш динамикада олиб борилди: ҳаётининг 3-, 7-, ва 14-кунида. Фекал зонулин кўрсаткичлари у аниқланган барча кунларда юқори бўлди, шу билан бирга 7-куни энг юқори ва аниқлашнинг 14-кунида пастроқ бўлди (жадв. 8).

Муддатидан аввал туғилган болаларда зонулин қийматларининг ошиш сабабларини аниқлаш учун биз уларнинг корреляцион ўзаро боғлиқлигини, бола ва онанинг ҳолатини характерловчи клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан таҳлил қилдик. Биз томондан ҳаётининг 3 кунида фекал зонулин даражаси ва онанинг қонидаги фибриноген даражаси орасида ўртача кучликдаги ижобий корреляция аниқланди ($r=0,33$). 7 кунида зонулин кўрсаткичлари амилорея ($r=0,30$) ва нажасда лейкоцитларнинг ўсиши ($r=0,30$) билан ижобий корреляцияга эга бўлди.

14-кунида онада бачадон-плацентар қон айланишининг бузилиши (0,29) ва протромбин индекси (ПТИ) билан ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди (0,50).

Текширувдаги болаларда фекал зонулин қийматлари (нг/мл)

Кузатув муддатлари		Гурухлар	
		Асосий гурух	Назорат гурухи
3-кун	Текширувлар сони	40	27
	Кўрсаткич, $M \pm m$ (тебранишлар кўлами)	490,9 \pm 73,5* (81,0-1400,0)	28,5 \pm 3,6 (12,5-55,0)
7-кун	Текширувлар сони	32	15
	Кўрсаткич, $M \pm m$ (тебранишлар кўлами)	507,7 \pm 77,2* (105,0-1190,0)	64,1 \pm 5,1 (10,7-76,2)
14-кун	Текширувлар сони	36	15
	Кўрсаткич, $M \pm m$ (тебранишлар кўлами)	430,0 \pm 60,4* (140,0-870,0)	89,8 \pm 5,8 (13,8-81,2)

Фекал зонулин қиймати ва чақалоқларда некрозланувчи энтероколит каби кўрқинчли асорат орасидаги боғлиқликни ўрганиш учун биз барча беморларни 2 гурухга ажратдик. Биринчи гурухни ҳаётининг 10,2 \pm 4,5 кунда некрозланувчи энтероколит ривожланган 10 нафар болалар ташкил қилдилар, 2 гурухга некрозланувчи энтероколит ривожланмаган 81 нафар болалар киритилди.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, 1-гурухда биз деярли икки карра зонулин қийматининг аҳамиятли бўлган ўсишини кузатдик. Некрозланувчи энтероколитнинг ҳаётининг ўртача 10 кунда ривожланганлигини эътиборга олиб, шуни тахмин қилиш мумкинки, ҳаётининг 7-кунидаги фекал зонулин даражаси чақалоқлардаги некрозланувчи энтероколит бошланишининг предиктори бўлиб ҳисобланади. 14-кунига келиб фекал зонулин қийматининг аҳамиятли даражада пасайганлиги кузатилди.

